

НАСЛЛИ БУҚА УРУҒИНИ ХАРИД ҚИЛИШ
ШАРТНОМАСИ

№ 23

« 20 » 01

2022 й.

Тошкент шаҳар М.Улугбек тумани

Низом асосида фаолият кўрсатувчи "Ўзнаслчилик" давлат корхонаси (кейинги ўринларда «Таъминотчи») номидан корхонадиректори О.Э.Маматкулов бир тарафдан ва низом асосида фаолият кўрсатувчи Новоши вилояти Чорвонаса Мажараси (кейинги ўринларда «Истеъмолчи») номидан П.Ю. Дубинин иккинчи тарафдан (кейинчалик "Тарафлар"), мазкур шартномани қуйидаги мазмунда имзоладилар.

1. Шартнома предмети.

1.1. "Таъминотчи" асосан районлаштириш ва жуфтлаш режасигаасосан хуудларга бириктирилган, уруғ банкидаги мавжуд насли буқаларнинг пайета холда тайёрланган чуқур музлатилган уруғи (бундан кейин "Уруғ" деб юритилади) ҳамда уруғни сақлаш учун "суюлтирилган азот" билан таъминлашни, "Истеъмолчи" эса етказиб берилиши кўзда тутилган "Уруғ" ҳамда "суюлтирилган азот"ни (жамланган холда бундан буён "махсулот" деб юритилади) қабул қилиш ва якуний ҳисоб-китобни амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

"Истеъмолчи" талабномаси асосида, "Таъминотчи" ўз уруғ банкида уруғлари мавжуд насли буқалар ҳақидаги керакли маълумотлар билан таништиради ва сертификат тақдим қилади.

1.2. "Уруғ" ҳамда "суюлтирилган азот" етказиб бериш, мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган спецификацияда белгиланган ассортимент, миқдор ва муддатлар доирасида, шунингдек "Истеъмолчи" талаби асосида уруғни сақлаш учун суюлтирилган азот ни етказиб беришни амалга оширилади.

1.3. Шартноманинг умумий қиймати 21000000.0 (Иккириш бир миш-шон ечи, шу жумладан ККС-2739130,4сум.) сўми ташкил этади.

2. Шартноманинг бажарилиш муддатлари.

2.1. "Истеъмолчи" шартнома асосида хар ойда етказиб берилиши кўзда тутилган "махсулот" миқдорини ой бошланишидан 10 кун олдин олинадиган уруғларни жуфтлаш режаси ва спецификацияга асосан насли буқалар кесимида буюртма ёки талабнома беради ва бир ойлик олинадиган уруғ қийматининг минимал 30 % ёки тўлиқ тўловни амалга оширади.

2.2. "Таъминотчи" олдиндан тўлови амалга оширилган "махсулот"ни, етказиб берилиши кўзда тутилган ой бошлангунгача ва (ёки), олдиндан тўлов амалга оширилгандан 10 кундан кечиктирмаган холда етказиб беради.

3. Ҳисоб-китоб тартиби.

3.1. "Истеъмолчи", шартнома асосида ойма-ой етказиб берилган "махсулот" учун ҳисоб-китобни, яъни қолган 70 % тўловни, "махсулот" етказиб берилган ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача амалга оширади.

3.2. "Истеъмолчи" мазкур шартнома бўйича якуний ҳисоб-китобни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 10-январидан кечиктирмасдан амалга оширади.

4. Тарафларнинг мажбуриятлари.

4.1. "Таъминотчи" мажбуриятлари:

4.1.1. Шартноманинг спецификациясида белгиланган ассортимент, миқдор ва муддатларда "Истеъмолчи"га "махсулот"ни етказиб бериш;

4.1.2. "Истеъмолчи" талаби ёки йил бошида тасдиқланган режа графиги асосида шартноманинг спецификациясида белгиланган миқдор ва муддатларда уруғ сақлаш учун азот етказиб бериш;

4.1.3. Етказиб берилаётган "махсулот"нинг сифати талабларга жавоб берилишини таъминлаш ва далолатнома асосида "Истеъмолчи"га топшириш;

4.2. "Истеъмолчи" мажбуриятлари:

4.2.1. Шартноманинг 2.1. бандида белгиланган миқдор ва муддатларда "махсулот" учун олдиндан тўловни амалга ошириш;

4.2.2. Шартноманинг спецификациясида белгиланган ассортимент, миқдор ва муддатларда етказиб берилган "махсулот"ни далолатнома асосида қабул қилиш;

4.2.2. Етказиб берилиши режалаштирилаётган "Уруғ"ни сақлаш учун етказиб берилиши лозим бўлган азотнинг миқдор ва муддатларни кўрсатган ҳолда талабнома бериш орқали йил бошида режа графигини тасдиқлаш.

4.2.3. Шартноманинг спецификациясида белгиланган миқдор ва муддатларда уруғ сақлаш учун етказиб берилган "Азот"ни далолатнома асосида қабул қилиш;

4.2.4. Шартноманинг 3.1., 3.2. бандларида белгиланган муддатларда "махсулот" учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги.

5.1. Шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлайди.

5.2. "Таъминотчи" "махсулот"ни етказиб бериш муддатларини кечиктирган, тўлиқ етказиб бермаган ҳолларда, "Истеъмолчи"га мажбурият бажарилмаган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисм қийматининг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ бажарилмаган мажбурият қийматининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.3. Етказиб берилган "махсулот" талабларга жавоб бермаган тақдирда, "Истеъмолчи" "махсулот"ни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этишга ҳақлидир.

5.4. "Таъминотчи" шартномада белгиланган муддатда "махсулот" ни етказиб берганда, "махсулот"ни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун "Истеъмолчи" "Таъминотчи"га олинмаган "махсулот" қийматининг 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди. "махсулот"ни олиш асоссиз рад этилган ҳолларда, "Таъминотчи" жарима ундиришдан ташқари, ушбу "махсулот" мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, олинмаган (ўз муддатида олинмаган) "махсулот" қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

5.5. "Махсулот" ҳақини тўлашдан бош тортганлик учун "Истеъмолчи" "Таъминотчи"га ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.6. Етказиб берилган "махсулот" ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун "Истеъмолчи" "Таъминотчи"га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.7. Неустойка (жарима, пеня) тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди. Муддатини ўтказиб юбориш ёки шартнома мажбуриятларини ўзгача тарзда лозим даражада бажармаслик ҳоллари учун белгиланган неустойкани (жаримани, пеняни) тўлаш ҳамда шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, тарафларни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби.

6.1. Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар ўзаро келишув орқали ҳал этилади.

6.2. Низолар ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан ёки тарафларнинг келишувига биноан — ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилади.

7. Форс-мажор ҳолатлар.

7.1. Томонлар мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолат енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

8. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш.

8.1. Шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

8.2. Шартномага ўзгартириш киритиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда амалга оширилади, тарафларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланганидан эътиборан шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

8.3. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартноманинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

8.4. "махсулот"нинг нархи ўзгарган тақдирда, тарафлар ўртасида шартнома баҳосини ва шартларини ўзгартириш тўғрисида тузиладиган кўшимча келишув тузиш билан расмийлаштирилади.

9. Шартноманинг амал қилиш муддати.

9.1. "Истеъмолчи" давлат бюджети ва унга тенглаштирилган маблағлар доирасида молиялаштирилиши кўзда тутилган ҳолларда шартнома, ҳудудий Ҳазначилик органларида рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан, бошқа ҳолларда имзоланган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий ҳисобланади.

9.2. Шартнома 2022 йил 31 март амалда бўлади.

9.3. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

10. Тарафларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари.

"Таъминотчи"

"Ўзнасччилик" давлат корхонаси

Тошкент вилояти, Кибрай тумани, Баркамол МФЙ

х/р. 20 21 00 00 00 01 31 23 20 01

ОПЕРО ТТФ "Халқ банк"

МФО 01132. ИНН 201 578 002

ОКОНХ 21210

элект.почтаuznashchilik@mail.ru.

 О.Э.Маматкулов

(имзо)

"Истеъмолчи"

Новосей вил "Чорвонаси" маркази

Ш.В. - 400121800124017042132250002

С/р. 306384998. Ҳис. расм. Ш.В. Ҳис.

Но. ш. ш. С/р. 201122919

Ҳ/р. 2001200300100001010 Ш.В.

Тошкент ш. 55 № 4 км.

 Дурбеков

Ж. Дурбеков

Юрист: Дутманкулов Ф. Рашид



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektlari) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestiga

"O'ZNASLCHILIK" Davlat korxonasi

(Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektlari tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatuvchi koddagi to'liq nomi)

"O'ZNASLCHILIK" DK

(Yuridik shaxsning tasvirlangan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

07.04.1995

07.04.1995

ro'yxat raqami yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Tarkibiy qayta tashkil etish yili)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (SIR)

201578002

Tashkiliy-huquqiy
shakli

Muassasa

Joylashgan joyi

Toshkent viloyati, Qibray tumani, Yangiobod, MILLIY BOG' KO'CHASIDAGI
BINO.

Guvohnoma

Toshkent viloyati, Qibray tumani, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

